

Құнғирот тумани Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи

А.Тажимуратов

2022 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ  
БҮЮРТМАЧИ  
ҚҰНҒИРОТ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

Құнғирот тумани – 2022 йил

Кораұзак тумани “Қойбак” ОФИ худудидаги тош конидан Құнғирот тумани оғир маҳалла объектларига юк ташиш хизмати учун

КУНКУРСНИНГ МАЪЛУМОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу булим танлов мавзусига оид аник койидаларни ва танлов хужжатларининг бошка булимларида келтирилган маълумотлар ёки талаблардан ташкари вазифаларни уз ичига олади.

№	Маълумотлар рүйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бюртмачи:	Құнғирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси
		Кораұзак тумани “Қойбак” ОФИ худудидаги тош конидан Құнғирот тумани оғир маҳалла объектларига юк ташиш хизмати
2	Бажариладиган иш:	Материал номи: Күм шагал аралашмаси  Юк миқдори (тонна) : 7 200  Масофа (км) : 210 км  Товар сони (тм/км) : 1 512 000  Тн/км бошланғич баҳоси : 277,75 сұм  Жами бошланғич суммаси ҚҚС билан : 419 958 000
3	Бажарувчи	Танловдан сұнғ аникланади
4	Объект жойлашган манзил	Құнғирот тумани Оғир маҳалла дастурига кирған “Қаратал”, Туркистан МФИ күчалари

5	Алока учун маъсул шахс:	Тажимуратов Ажинияз Назарбаевич, Кўнгирот т. <b>Навоий МПЖ</b> <b>Ипак йули кўчаси ракамсиз уй 61-312-39-44, 91 304 00 75</b>
6	Танлов эълонлари:	Махсус маълумотлар портали: <a href="http://xarid.uzex.uz">xarid.uzex.uz</a> оркали
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишга рухсат этилади	Танловда юридик шахс бирлашмалари танловда иштирок этишга йул куйилмайди
8	Ишларнинг бошланиш ва тугалланиш вақти	Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.
9	Маблаг манзили	Кўнгирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси. Бюджет маблаглари хисобидан
10	Алоҳида талаблар	Ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши шарт. Бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан қабул қилиб борилади.
11	Танлов шарти	<ol style="list-style-type: none"> <li>1) Иш тажрибаси: Танлов катнашчиси юк ташишга доир иш тажрибага эга бўлиши керак.</li> <li>2) Танловда иштирок этиш учун иштирокчи техник базага эга бўлиши ва юк ташиш учун мос техникалар хужжатларини тақдим қилиши керак.</li> <li>3) Танлов иштирокчиси кўрсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак.</li> <li>4) Танлов иштирокчиси техникалари учун эхтёт қисмларга эхтиёж тугилса ўз зиммасига олиши керак</li> </ol>
12	Танлов шарти	Тўловлар пул ўтказиш йўли билан ҳисобварақфактура оркали амалга оширилади.
13	Рақобат тили:	Қорақалпок ва ўзбек тилида
14	Шартнома валютаси	Сумда

## **Ен жаксы усынысларды танлап алыу шартлери**

I. Ен жаксы усыныслары танлауда қатнасыў ушын катнасыушы тарепинен қойылған талаптар толық болуы шарт.

II. Жұмысты кабыллап алуда тийисли канигелер тарепинен алып барылады.

Ен жаксы усынысы танлау катнасыушысы хаккында маглыумат (мекеме гууалығы, директор буйрығы, паспорт нұсқасы). Хызметкерлер дизими, жұмысшылар саны олардың ис стажы хам квалификациясын тастыйыклаушы хужеттер Истажы жокары маглыуматты күрүліс мамандығына ийе болуы мажбурий баслыктан 1 адам, Ен жаксы усыныслары танлау катнасыушысынын финанслық аухалы (егер кобирек болса коллап кууатланады) хамде испенип атырган объекттін кеминде 10% мугдарында есап бетинде каржысы болуы шарт, Ен жаксы усыныслары танлау катнасыушысынын мийнет хакы фондынан (акыргы бир жыллық) хам хызметкерлердин орташа саны кеминде 5—20 адам болуы тийис (коп болса жокары балл топланады). Ен жаксы усыныслары танлау предметине усас объектлерде ис тажирийбесине ийе карханалар танлауда катнасады. Хызмет корсетиуши коммерциялық банктен карыздарлығы жоклығы (карточка-2) туурысында маглыуматы. Бюджет хам бюджеттен тыскары толемлерден карыздарлығы жоклығы туурысында маглыумат (салық органынан). Ен жаксы усынысларды танлауда катнасыушылар шартнаманы орынлау ушын заррур техникалық, финанслық, материаллық, кадрлар ресурсларынын хам баска да ресурслардың бар екенлиги, шартнаманы дузуу ушын нызамлы хуқыкка ийе екенлиги, озине карата енгизилген банкроттық тартип-кагыйдалардың болмаганлығы, инсапсыз орынлаушылардың бирден бир реестринде дизайнге алынбанлығы талап етиледи.

Жұмысларды орынлау буйыртпашисы объектинин күрүліс исперин орынлау графиги, коммерциялық усынысы (офертасы) болуы шарт. Ескертиу: Бюджет хам бюджеттен тыскары толемлерден карыздарлығы бар, Хызмет корсетиуши коммерциялық банктен карыздарлығы бар, шартнаманы орынлау ушын заррур техникалық, финанслық, материаллық, кадрлар ресурслары хам баска да ресурслар кемис, шартнаманы дузуу ушын нызамлы хуқыкка ийе емес, озине карата енгизилген банкроттық тартип-кагыйдаларына ийе, инсапсыз орынлаушылардың бирден бир реестринде дизайнге алынган мекемелер саудада катнаспайды, ямаса саудадан шетлетиледи, Бахалау еки усылда бахаланады биринши техникалық болими бойынша ен жокары балл топлаган катнасыушы женимпаз сыпатында аныкланды хам екинши (баха) болими бойынша катнасыушылар арасынан ен томен баханы усыныс еткен катнасыушы женимпаз сыпатында балл усылы аркалы аныкланды!!!

*Банкдан тендер суммасидан камида 10% айланма маблағлар мавжудлиги хақида маълумотнома*

*Компания ҳақида умумий маълумот, таъсисчилар ҳақида маълумот ва үхшаш хизматларни охирги З йилда етказиб берши тажрибаси ҳақида маълумот*

*Курилии майдонини текшириши гувохномаси*

**хариди юзасидан**

**энг яхши таклифларни танлаш бүйича харид қилиш ҳужжатлари**

**Қунғирот-2022 йил**

## **МУНДАРИЖА**

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби
- VI-боб. Намунавий хужжатлар шакли ва Шартнома лойиҳаси

## I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Танлашни ўтказиш шакли:** танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали очиқ тарзда ўтказилади.

**Давлат буюртмачиси:** \_\_\_\_\_ (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

**Харид предмети:** мазкур харид қилиш ҳужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник топшириқда кўрсатилган талабларга мос келувчи (товар, иш хизмат миқдори кўрсатилади).

**Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:** хар бирини нархи \_\_\_\_\_ сўмдан ошмаган ҳолда жами суммаси \_\_\_\_\_ сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 90 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

**Молиялаштириш манбай ва валютаси:** \_\_\_\_\_ маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

**Тўлов шартлари:** шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш

Ўтказиладиган

жойнинг

манзили:

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Ф.И.О., тел.:

Манзили: \_\_\_\_\_

**Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:** таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон килинганидан сўнг камида беш иш куни давомида, соат 9-00дан 18-00га қадар қабул қилинади.

**Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:**

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилған товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қўйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

СТИР: \_\_\_\_\_

х/р: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

Банк номи: \_\_\_\_\_

ш/ҳ: \_\_\_\_\_

(ташкилот номи)

Энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши түғрисидаги

Эълони

Танлашни ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш түғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: \_\_\_\_\_ (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети: мазкур харид қилиш ҳужжатларини 2-иловасида кўрсатилган техник топширикда кўрсатилган талабларга мос келувчи (товар, иш хизмат миқдори кўрсатилади).

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти: хар бирини нархи \_\_\_\_\_ сўмдан (қўшимча қиймат солиғини инобатга олиб) ошмаган ҳолда жами суммаси \_\_\_\_\_ сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати шартнома имзоланганидан сўнг 90 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: \_\_\_\_\_ маблағлари ҳисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Ф.И.О., тел.:  
\_\_\_\_\_. Манзили:

**Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш мұддати түгайдыған сана ва вакт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш үтказиш түғрисидаги эълон килинганидан сүнг каміда беш иш куни давомида, соат 9-00дан 18-00га қадар танлаш үтказиладын жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.**

**Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:**

харид комиссияси томонидан үтказиладын дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни үтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда каміда учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қўйидаги ҳисоб рақамларга үтказиб бериши шарт:

СТИР: \_\_\_\_\_

х/р: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

Банк номи: \_\_\_\_\_

ш/ҳ: \_\_\_\_\_

Харид қилиш ҳужжатларига  
2-илова

**Техник топшириқ**

**Харид**  
предмети \_\_\_\_\_

**Қафолат мүддати:** \_\_\_\_\_

№	Талаб номи	Үлчов бирлиги	Үзига хос хүснүүсү
1.			
2.			

## **II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ўтказади ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қиласди.

Дастлабки малака танлови харид қилиш ҳужжатларини З-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

**Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:**

таклифларни таъминлаш учун закалат маблағлари тўлиқ миқдорда ўтказилганлиги;

техник топшириқقا доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидағи молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқукига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўtkазилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзgartирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

## Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказади. Танлашнинг кейинги босқичига фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг 4-иловасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Барча малака ҳужжатлари ташқи конвертга жойлаштирилган бўлиши керак.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга юборилади.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан бўён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бунда, котиб томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларнинг тўлиқлилиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қўйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг маҳсус ахборот порталида инсофсиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиги миқдорини камайтириш ҳуқуқини суистеъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилиармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ ўюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади

Харид комиссияси қўйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди:

котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимидағи молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишида қўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;

- закалат маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиб берган иштирокчилар (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилингандан);

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;

- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишини назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;
- манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;
- харид комиссияси томонидан ишчи-ходимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;
- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларини 8-иловасида келтирилган.

Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қиласди.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди ва иштирокчиларга қайтариб берилади ва бу ҳақида иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида таклифларни қайтариб юбориш санаси ва вақти қайд этилади.

## Малака ҳужжатларининг

### РҮЙХАТИ

1. Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза (харид қилиш ҳужжатларига 5-илова).
2. Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси.
3. Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).
- . 4. Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганини, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари (харид қилиш ҳужжатларига 6-илова).
5. Дастребки малака танловини ўtkазишga ТАЛАБНОМА (харид қилиш ҳужжатларига 7-илова).
6. Молиявий ҳисботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда);
7. Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан маҳсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар ;
8. Ташкилот (компания) раҳбарининг танлашда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, унинг ваколатли вакили номига ишончнома тақдим этиш талаб этилади. Бундай ишончнома қўйидагиларни амалга ошириш ваколатини беради:
  - ҳужжатларни тақдим этиш;
  - харид комиссияси йиғилишларида қатнашиш;
  - таклифи бўйича тушунтиришлар бериш.
9. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси.

10. Коррупция күринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 14-илова).

\* Иштирокчилар ўз хошиига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва хужжатларни тақдим этиши мумкин.

№: \_\_\_\_\_ Санас: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**

**АРИЗА**

Биз, қўйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) товар етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказиляётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ товар етказиб бериш бўйича иштирок этиш учун ўз истагимизни билдирамиз.

Шу муносабат билан ташқи конвертда қўйида келтирилган ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

1. Малака ҳужжатлари 20 варакда (*брошюра, буклетлар тақдим этилганда варақлар сони, компакт дисклар тақдим этилганда уларнинг номи ва варақлари сонини кўрсатиш талаб этилади*);
2. Таклиф;
3. Бошқа ҳужжатлар (*бошқа ҳужжатлар тақдим этилганда уларнинг номи ва варақлари сонини кўрсатиш талаб этилади*).
4. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.

Таклифини тайёрлаш учун жавобгар шахснинг Ф.И.Ш.:

Телефон рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

М.Ў.

№: \_\_\_\_\_ Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Мазкур хатни йўллаш орқали сизга ушбу ташкилот (ташкилотнинг номи  
кўрсатилади):

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги;
- буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганини;
- аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаймиз.

Имзо:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

М.ў.

**Дастлабки малака танловини ўтказишга  
ТАЛАБНОМА**

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
<b>1. Умумий маълумот</b>	
Юридик шахнинг тўлиқ номи	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами/коди	
Тадбиркорлик фаолияти турлари (барча лицензияланган фаолият турлари кўрсатилсин)	
ИФУТ (агар қўллаш мумкин бўлса)	
Мақоми (ишлаб чиқарувчи, дилер, бошқа)	
Веб-сайти	
Электрон алоқа манзили	
<b>2. Юридик манзил</b>	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
<b>3. Ҳақиқий манзил</b>	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
<b>4. Банк реквизитлари</b>	
Асосий x/p, валюта x/p	
МФО / Банк коди	
Банк номи	
Банк манзили	
<b>5. Қўшимча маълумотлар</b>	
Бажарган ишлари ва лойиҳаларини кўрсатган ҳолда	

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
фаолиятини тавсифлаш	
Ходимларнинг умумий сони	
Устав капиталининг қиймати	
<b>6. Талабгор тажрибаси тўғрисида маълумот</b>	
Бозорда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб бериш тажрибаси (йил)	
Охирги 3 йил давомида маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб беришда буюртмачилар томонидан билдирилган муроҳазалар	
<b>7. Молиявий баҳолашни амалга ошириш учун маълумот</b>	
Охирги 3 йил давомидаги сотув ҳажми (йил кесимида)	
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар	
- <i>шундан: муддати ўтган қарздорликлар</i>	
<b>8. Юридик баҳолашни ўтказиш учун маълумот</b>	
Талабгор фаолиятининг умумий даврида етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) сифатида тузилган шартномалар сони ва жами суммаси	
- <i>шундан: шартномалар бўйича мажбуриятларни ижро эттичлигидан саломланишни мавжудлиги (агарда мавжуд бўлса, сабабларни тавсифлаш)</i>	
Сўнгги 3 йилда судда кўрилган ишлар мавжудлиги	

Изоҳ:

1. Талабгор барча маълумотларни тасдиқлайди ва тақдим қилинган маълумотлар ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Раҳбар

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

(муҳр)

**Харид қилиш ҳужжатларига  
8-илова**

**Малакавий баҳолаш мезонлари**

Малакавий баҳолаш харид комиссияси томонидан танлаш бошлангунга қадар амалга оширилади. Агар талаб этилган ахборот иштирокчи томонидан тақдим этилмаса, харид комиссияси иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлашга ҳақли.

<b>№</b>	<b>Мезон</b>	<b>Баҳолаш</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Танлаш тақлифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатининг мавжудлиги	Мавжуд/мавжуд эмас	Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва тақлифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
2.	Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни	Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди	Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий

	бажариш		сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
3.	Иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотларни тақдим этиш	Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди <i>(иштирокчи маблағларининг йиллик айланмаси суммаси танлашнинг бошланғич қиймати суммасидан кам бўлиши мумкин эмас)</i>	Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
4.	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатлари	Ҳа/йўқ <i>(иштирокчининг кафолат хати ва буюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади)</i>	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва тақлифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
5.	Иштирокчининг буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришганлик	Ҳа/йўқ <i>(иштирокчининг кафолат хати ва буюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади)</i>	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва тақлифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
6.	Иштирокчи ва унга хизмат кўрсатувчи банкниң оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтганлик	Ҳа/йўқ	Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва тақлифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
7.	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлик	Мавжуд/мавжуд эмас	Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва тақлифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
8.	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг	Мавжуд/мавжуд эмас <i>(иштирокчининг кафолат хати ва тақдим этилган маълумотлар асосида</i>	Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва тақлифлари кўриб чиқилмайди ва

	мавжудлиги	баҳоланади)	баҳоланмайди.
9.	Иштирокчи ва унинг афғилланган шахси мазкур танлашда иштирок этмаётганиниг	Ҳа/йўқ	Агар ҳа бўлса, бир бирига афғилланган иштирокчилар танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
10.	Иштирокчи ва харид комиссиясининг аъзолари ўртасида афғилланганликнинг мавжудлиги	Ҳа/йўқ	Агар ҳа бўлса, афғилланганлиги мавжуд харид комиссиясининг аъзоси мазкур танлашда овоз беришда ва таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашда иштирок этмайди.

### **III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби**

Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

Буюртмачи ташлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини конвертларда топшириши керак. Тўпламда ташқи конверт (малака ҳужжатлари) ва ички конвертлар (таклифи) бўлиши керак.

Иштирокчининг таклифи харид комиссиясига танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича почта орқали ёки иштирокчининг ваколатли вакили орқали харид комиссиясининг масъул котибига қўлдан-қўлга тақдим этилади. Таклифлар солинган конвертлар иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида топширувчи ва қабул қилувчи шахслар имзоси остида, қабул қилишнинг санаси ва вақтини қайд этиш йўли билан қабул қилинади.

## **Иштирокчи:**

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгаришлар киритишга ҳақли.

**Таклиф қўйидаги қисмлардан ташкил топади:**

- 1) дастлабки малака танловидан ўтиш учун зарур маълумотлар;
- 2) буюртмачининг техник топшириғига мос келувчи иштирокчининг таклифи

**Танлаш таклифи қўйидаги усулда расмийлаштирилади:**

ташқи конверт;

малака танловини ўtkазиш учун зарур ҳужжатлар ва иштирокчининг таклифи солинган 2 та дона ички конверт.

Ички ва ташқи конвертларнинг елимланган жойига иштирокчининг мухри босилади.

Ташқи конвертда қўйидагилар мавжуд бўлиши керак: танлаш таклифини таъминлаш кафолатини тасдиқловчи ҳужжат (закалат кўринишида қўйилган тақдирда - тўлов топшириғининг нусхаси, банк кафолати бўлса - банк кафолатининг асл нусхаси), малака ҳужжатлари ва ички конвертлар.

Малака ҳужжатлари ип билан тикилган, рақамланган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ташлашда қатнашиш учун таъминот кафолатини тасдиқловчи ҳужжат малака ҳужжатлари билан бирга тикилмаслиги керак.

**Ташқи конвертда қўйидаги маълумотлар кўrsатилиши керак:**

- танлаш предметининг номи;
- иштирокчининг номи ва манзили;
- “Ташқи конверт” деган ёзув;
- буюртмачининг номи ва унинг манзили;
- “таклиф беришнинг охирги муддати қелгунга қадар очилмасин” деган ёзувнинг бўлиши.

**Ички конвертда қўйидаги маълумотлар кўrsатилиши керак:**

- танлаш предметининг номи;

- "Танаш бўйича таклиф" тақдим этилган ички конверт, малака танловидан муваффақиятли ўтганидан кейин очилсин" деган ёзув;

Танлаш таклифида қўйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

товар ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

махаллий ишлаб чиқарувчи эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 9-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник топширикقا доир талабларнинг қиёсий жадвали;

асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи заводларнинг Ўзбекистон Республикасида расмий ваколатли хизмат кўрсатиш марказларининг мавжудлиги тўғрисида хат ёки бошқа ҳужжатнинг асл нусхаси, манзил ва бошқа алоқа маълумотларини (телефон, факс, электрон почта, веб-сайт) кўрсатган ҳолда;

техник ҳужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисолалар ёки бошқа ҳужжатлар).

Танлашнинг нарх бўйича таклифи ички конвертга солинган ҳолда ва харид қилиш ҳужжатларини 10-иловасидаги шаклга мувофиқ тақдим этилади.

Харид комиссияси мазкур тартиб талаблари асосида расмийлаштирилган танлаш таклифлари солинган конвертларнинг бут сақланишини ва бир бутунлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қиласи. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 90 кунни ташкил этиши керак.

Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишилар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига ўзайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартинишлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартинишга йўл қўйилмайди.

Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартинишлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

Харид қилиш ҳужжатлариға  
9-илова

№ \_\_\_\_ -лот

• ТАНЛАШ БҮЙИЧА ТАКЛИФ

КИМГА: харид комиссиясига

Жаноблар!

Биз, қўйида имзо чекувчилар (*танлаш иштирокчисининг номи кўрсатилади*) ўтказилаётган харид ҳужжатлари олганлигимизни тасдиклаган ҳолда, хизмат кўрсатиш учун (*таклиф этилаётган товар номи, марка ва модели кўрсатиб ўтилади*) кўрсатилган ҳужжатлар асосида ва \_\_\_\_ миқдорларда етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун харид ҳужжатларида келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) мудатлари асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм закалат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Буюртмачи ихтиёрида туради.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 90 (тўқсон) кун давомида ушбу танлаш таклифлари қоидалариға риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифининг таққослама жадвали \_\_\_\_ варакда.

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводдан олинган ишончноманинг асл нусхаси (танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган маҳсулот ишлаб чиқарувчиси бўлмаган ҳолларда тақдим этилади).

- техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорт, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳ.к.лар, ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ тавсифи берилган бошқа хужжатлар).

---

(ваколатли шахснинг имзоси)

---

(Ваколатли шахснинг исми ва лавозими)

М.Ў.. Сана: "\_\_\_" 20\_\_\_

**Таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали**

Танлаш \_\_\_\_\_ (*танлаш рақами ва санаси кўрсатиласди*)

№	Параметр номи	Техник хусусиятларига доир талабларига мувофиқ кўрсаткич	Иштирокчининг таклифига биноан кўрсаткич	Кафолат муддати	Изоҳ (мос/мос эмас)
1					
2					

---

Иштирокчи раҳбари ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

арид қилиш ҳужжатларига  
10-илова

## НАРХ ТАКЛИФИ

---

(Харид предметини номи күрсатилади)

Сана: (танлаш таклифи берилган сана күрсатилади).

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуида имзо чекувчилар, харид қилиш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, маҳсулотни ишлаб чиқиш (етказиб бериш) жараёнида ечимини топиши керак бўлган муаммолар билан танишиб чиққанлигимизни маълум қиласиз.

Барча талабларни ўрганиб чиқиб, маҳсулотларни қўйида келтирилган танлаш шартларига асосан етказиб беришни таклиф этамиз:

- тўлов шартлари - \_\_\_\_\_;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) шартлари - \_\_\_\_\_;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) муддатлари- \_\_\_\_\_;

Етказиб бериладиган товарнинг (бажариладиган ишларнинг, кўрсатиладиган хизматларнинг) умумий қиймати (танлаш таклифининг умумий қиймати сон билан ва ёзма кўринишида ҳамда тўловнинг валюта шакли кўрсатилган ҳолда бўлади) ташкил этади ва танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган нархлар жадвалида акс эттирилади.

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб, 90 кун давомида мазкур таклиф тартибига амал қилишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатиб ўтилган муддат тугагунига қадар исталган вақтда қабул қилиниши мумкин. Биз харид комиссияси энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, балки баҳолашнинг энг яхши кўрсаткичлари ва мезонларига асосланиб қарор қабул қилишини яхши тушунамиз.

Сана: « \_\_\_\_ » 202 г.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва имзоси

М.У.

#### Етказиб бериладиган товарларнинг нарх жадвали

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги.	Миқдори	Ишлаб чиқарувчи мамлакат, ишлаб чиқарувчи заводнинг номи	CIP (DDP) шартларига кўра бир дона маҳсулот нархи	CIP (DDP) шартларига кўра миқдорга асосан маҳсулот қиймати
1						
2						

#### **IV -боб. Иштирокчиларнинг тақлифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби**

Закалати таъминланмаган иштирокчиларнинг тақлифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди (харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса).

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонда тақлифларни қабул қилиш муддати тугаганидан сўнг харид комиссияси иштирокчиларни тақлифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш учун йиғилиш ўтказиладиган вақтни белгилайди ва бу тўғрисида йиғилиш ўтказилишидан камида бир иш куни олдин иштирокчиларни хабардор қиласди. Агар иштирокчилар харид комиссияси мажлисига келмаса, танлаш тақлифлари солинган конвертлар иштирокчининг иштирокисиз бир томонлама тарзда очилади.

Агар тақлифни киритган танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг тақлифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси тақлифни рад этади.

Баҳолаш пайтида харид комиссияси иштирокчиларидан тақлифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Тушунтириш жараёнида тақлифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

Танлаш иштирокчилари тақлифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида тақлиф қиймати конверт очилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, тақлифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг тақлиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

Танлашда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларни баҳолашда чет эллик етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархдан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференциялар берилиши мумкин.

Иштирокчилар томонидан берилган таклифлар солинган конвертлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқиш ва баҳолаш учун қўйидаги кетма-кетлиқда очилади:

ташқи конверт очилади ва малака танлови ўтказилади;

малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг техник ва нарх таклифлари солинган ички конверт очилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Иштирокчиларнинг техник ва нарх таклифлари солинган конвертини очиш жараёни вақтида буюртмачи томонидан видеоёзув амалга оширилади ҳамда конвертларни очиш жараёнида иштирокчиларнинг тақдим этган барча ҳужжатлари ва тижорат таклифининг нархи ўқиб эшиттирилади.

Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифлари харид қидиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гурӯҳ тузишга ҳақли.

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахassislar иштирокидаги ишчи гурӯхи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гурӯхи томонидан баҳолангандаги харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади. Редакция ташкил этиш ва баҳолаши мумкинлиги.

Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 11-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди

Танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчиларни таклифларини очишда, иштирокчиларнинг номлари, товарларнинг нархи ва таклиф қиймати, шунингдек ушбу харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ, танлаш ҳужжатларнинг тўлдирилишининг тўғрилиги эълон қилинади.

Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.

Харид комиссияси иштирокчиларни нарх таклифини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатарини 12-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди. Иштирокчиларни техник қиёма—таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 1.60 баравар оширилган миқдорда қўлланилади ҳамда нархға өнд таклифларини баҳолашда уларнинг тўплаган баллари 1.40 баравар оширилган миқдорда қўлланилади (харид қилиш ҳужжатарини 13-иловаси).

- Танлашда техник ва нарх таклифларини баҳолаш натижаларига кўра харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида ҳамда иштирокчиларнинг тўплаган балларини инобатга олиб шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари баённомада қайд этилади. Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

Баённома танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Мұхокама учун белгиланған мүддат тугаганидан кейин келиб түшган әътиrozлар харид комиссияси томонидан күриб чиқылмайды.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилған мұхокама натижалари тұғрисидегі ахборот асосида харид комиссиясینинг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланған күндан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимиға жойлаштирилади.

Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқланғандан сұнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари түлиқ бажарылғандан сұнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Харид қилиш ҳужжатларига  
11-илова

#### 1 -. Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш.

Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш танлашнинг техник таклифларига оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

#### *Техник баҳолаш мезонлари харид комиссиясینинг хар бир аъзоси томонидан баҳоланады.*

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1	Харид қилиш ҳужжатларининг техник қисми талабларига мувофиқлiği	Мувофиқ бўлса – 10 балл Мувофиқ эмас – 0 балл	Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
2.	Ишлаб чиқарувчининг ишончномаси	Мавжуд – 10 балл Мавжуд эмас – 0 балл	Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши

			мумкин
3.	Хизмат кўрсатиш марказининг мавжудлиги	Мавжуд – 10 балл Мавжуд эмас – 0 балл	Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин

Харид қилиш ҳужжатларига  
12-илова

## 2. Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш

*Нарх жиҳатдан баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.*

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Энг паст нарх	Энг юқори – 10 балл Энг паси – 0 балл  Энг паст нарх энг юқори баҳоланади.  Энг юқори нарх энг паст баҳоланади.	Бунда баллар кўлами иштирокчиларнинг таклифлари сонига қараб шакллантирилади.
2.	Тўлов шартлари	Энг юқори – 10 балл Энг паси – 0 балл	Харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлиши лозим.
3.	Етказиб бериш муддати	Энг юқори – 10 балл Энг паси – 0 балл  Энг кам муддат энг юқори	Бунда баллар кўлами иштирокчиларнинг таклифлари сонига қараб шакллантирилади.

		баҳоланади. Энг кўп муддат энг паст баҳоланади.	
--	--	---	--

Харид қилиш ҳужжатларига  
13-илова

#### ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Мезон номи	Тўплаган бали	Ошириладиган миқдори	Танлаш иштирокчиси номи		
1.	Техник жиҳатдан баҳолаш натижаси		1.60			
2.	Нарх жиҳатдан баҳолаш		1.40			
Жами баллар						

#### VI -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Харид комиссиясининг қарорига кўра ғолиб деб топилган иштирокчига харид комиссиясининг ёзма кўринишдаги хабарномаси етказилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 14-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

Харид қилиш ҳужжатларига  
14-илова

№: \_\_\_\_\_ Санас: \_\_\_\_\_

Харид комиссияси

**КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА  
АРИЗА**

Мен, \_\_\_\_\_ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қўйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-харакатларни амалга ошириш;

- үз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд үзга шахсларнинг манфаатларини күзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бўзиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.:\_\_\_\_\_

Телефон/факс рақами:\_\_\_\_\_

Электрон почта манзили:\_\_\_\_\_

Имзо:

М.Ў.

Харид қилиш ҳужжатларига  
15-илова

Танлашда иштирок этиш учун юборилган таклифларни  
РҮЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ

Ҳужжатнинг рӯйхат рақами	Ҳужжатни тақдим етиши санаси ва вақти	Лот рақами	Харид тартиб таомили иштирокчисининг номи	Ҳужжатни етказиш усули	Ариза солинган конвертни етказиб берувчи шахснинг Ф.И.Ш.  Ишончнома рақами ва санаси (мавжуд бўлса)	Ариза солинган конвертни тақдим этган ва уни қабул қилиб олган шахсларнинг имзолари
